


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 207 (10.512) 2005 ЙИЛ 20 ОКТЯБРЬ

Кеча шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ»да Ташқи иқтисодий алоқалар, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Республика савдо-саноат палатаси, «Ўзвевасабзавотузумсаноатхолдинг» ва «Ўзқишлоқхўжалиқмашхолдинг» компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Қишлоқ хўжалиги» (UzAGROEXPO-2005) ҳамда «Ўзик-овқат ва қайта ишлаш саноати жиҳозлари» (UZPRODTECHEXPO-2005) халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА БОШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги имкониятлари ва экспорт салоҳиятини энг сўнгги техникалар орқали намойиш этиш, жаҳондаги етакчи компаниялар билан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадларини

кўзлаган ҳолда ташкил этилаётган мазкур халқаро кўргазмада ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан бирга Россия, Дания, Малайзия, Туркия, Украина ва бошқа хорижий давлатларнинг шу соҳадаги компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда. Кўргазмага ташриф буюрган мутахас-

сисларда замонавий тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш техникалари, совутиш ва музлатишга мўлжалланган қурилмалар, савдо ва умумий оқатланиш соҳаларига тааллуқли жиҳозлар билан танишиб, уларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш имконияти мавжуд.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: кўргазма фаолиятдан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

XXI сағоси
Барча маълумлардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Сирдарё вилояти пахтакорлари қабул пунктларида 248 минг тонна хомашё етказиб бериб, давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажардилар. Ҳосилнинг 87 фоизи юқори навларга топширилди.
- Тошкентда 25 давлат вакиллари иштирокида Ўташган «Безгақ касаллигини назорат қилишдан — бартраф этишга» мавзусидаги халқаро анжуманда безгақ эпидемиясига қарши химия чораларидан янада самаралироқ фойдаланиш усуллари муҳокама қилинди.
- Республика Кўзи ожизлар жамиятининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан пойтахтда 1, 2-гурӯҳ кўзи ожиз ногиронлар учун компьютер сабоқларини берувчи хайрия маркази очилди.
- Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани меҳнат ва бандлик бўлими ҳамда «Қамолот» ЁИХнинг туман бўлими томонидан ташкил этилган навабдаги меҳнат ярмаркасида 76 нафар иштирокчи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, 20 нафари эса қайта тайёрлаш курсига йўланма олди.
- Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон пахта тозалаш корхонаси» акциядорлик жамияти жорий йилда қабул қилинган пахта хомашёсидан олинган толани хорижга экспорт қилишни бошлади.

Жаҳонда

- Фаластиндаги 12 та гурӯҳ вакиллари парламент сайловлари ва сайлов кампаниясини ўтказиш қондаларини кўзда тутувчи битим тузишди.
- Покистон тарихидаги энг кучли зилзила рўй берганидан сўнг мамлакат Президентини Парвез Мушарраф Ҳиндистонга туташ чегараларни очиб ташлашни таклиф қилди.
- Кариб денгизига юзага келган «Вильма» тўфони АҚШга хавф солмоқда. Хавфлининг энг юқори — бешинчи тоғфаси берилган ушбу тўфондан яқин вақт ичиде Мексика, Куба, Никарагуа, Гондурас ва Ямайка ҳам таллафот кўриши мумкин.
- Токио шаҳрида аънанавий «Мото-шоу» кўргазмаси очилди. Унда жаҳоннинг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги 571 автомобиль намойиш этилмоқда.
- Нью-Йорк хомашё биржасида нефтининг яна арзонлашгани кузатилмоқда. Бу ерда «қора олтин»нинг бир баррели 63,20 АҚШ долларига баҳоланди.

ПОЙТАХТНИНГ ДИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

- **БУГУН** Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган музикавий тадбир «Дўстлик ирмоқлари» деб номланди.
- **РЕСПУБЛИКАМИЗ** ҳудудига ноконуний тарзда айланма йўллар билан маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида Усмон Юсупов маҳалласида БУГУН ўтказилган тадбир «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман бўлиmlари томонидан уюштирилди.
- **БУГУН** «Гузар сервис» тўйхонасида Рамазон ойи муносабати билан «Мавнавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ҳамда Сергели туман бўлиmlари ҳамкорликларида «Исом — эзгулик ва маърифат дини» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- **БУГУН** Тошкент молия институтида қизлар иштирокида «Мавнавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Сиз эркинликни қандай тушунаси?» деб номланди.
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмиталари томонидан «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунлар асосида фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

1984 йил 10 декабрда қабул қилинган Қўйноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадриқимматни таҳдирловчи турларига қарши конвенцияни амалга оширишга қаратилган Тадбирлар дастурининг бажарилишини анжуман иштирокчилари халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига сингдириб бориш жараёнининг ёрқин тасдиғидир, деб таъкидладилар.

Йигилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг мазкур Конвенцияни амалга оширишга доир таклифлари, фуқаролар муурожаатларига тааллуқли қонун ҳужжатларининг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлланилиши масалалари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилишга доир ишларнинг судлар томонидан кўриб чиқилиши амалиёти, шунингдек, прокуратура органларининг «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига риоя этиш борасидаги фаолияти муҳокама этилди. Бахс-мунозараларда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ўзаро фикр алмашувлар шировардида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда манфаатдорлик билан, қизғин бахс-мунозара юритилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва вакирликларнинг вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

2002 йилда қабул қилинган «Чикиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бажарилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини шакллантиришга доир, чикиндиларнинг атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарарли таъсири олдини олиш, чикиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ҳамда уларнинг тўла-тўқис қайта ишланиши ва утилизация қилинишини таъминлаш имконини берадиган янада мусофороқ ишлаб чиқаришлар ҳамда технологияларни жорий этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб боририлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Миллий стратегия ва ҳаракат режаси чиқиндиларни ҳисобга олиш, тўплаш, утилизация қилиш ҳамда уларни камайтириш муаммоларини ҳал этишдаги стратегик йўналишни белгилаб олиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу стратегия чиқиндилар ҳосил бўлишини имкон қадар камайтиришга, улардан иккиламчи тарзда фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш кўламлирини илоҳи борица кенгайтиришга йўналтирилади. Иқтисодийнинг барча секторлари вакиллари, шунингдек, жамоатчиликни чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнига жалб этиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида стратегияни шакллантириш билан бир қаторда Навоий ва Бухоро шаҳарларида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тақомиллаштиришга, шунингдек, улардаги йирк сааноат корхоналарида чиқиндилар чиқаришини камайтириш масалаларини ҳал этишга доир тажриба лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишдаги муаммолар қатори чиқиндиларни жойлаштиришдаги ва уларни қумиш учун ихтисослаштирилган майдонлар барпо этишдаги қонирқарсиз аҳвол, чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва қумиб ташлашда тех-

никавий, санитария ва экология талабларига риоя этилмаётганлиги, чиқиндилар билан боғлиқ ишлар жараёнига жамоатчиликни жалб этиш даражаси пастлигича қолаётганлиги ва бу ишлардан аҳоли етарлича хабардор қилинмаётганлиги сингари жиддий камчиликлар ҳам йиғилиш асосида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама натижалари асосида иштирокчилар Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режаси лойиҳасини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, шунингдек, жамоатчиликнинг бу соҳадаги фаолиятидаги устувор йўналишларни қараб олишчи ҳужжат сифатида маъқуллашни тавсия этдилар.

Анжуманда Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган қатор тадбирлар белгилаб олинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатига Сенат аъзолари, тегишли вазирликлар ҳамда идораларнинг, Бухоро, Навоий ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари, халқроқ, илмий ташкилотлар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

«Қонунчилик техникасининг замонавий усуллари» деган мавзуда бўлиб ўтган семинар-тренинг Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ

масалалари ҳамда Ташқи сиёсат масалалари кўмиталари томонидан Тошкент давлат юридик институти билан биргаликда ташкил этилди.

Юридик техниканинг замонавий усуллари парламентдаги қонунчилик жараёнининг барча босқичларида қўлланиш масалаларига бағишланган тадбир асосида қонун ижодкорлиги принциплари ва босқичлари, қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатда кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари кизгин муҳокама этилди. Тошкент давлат юридик институтида ўтган мазкур семинарда иштирокчилар қонунчилик техникасининг замонавий усулларида фойдаланиш, хусусан, қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ва тўплаб тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор бердилар.

Тадбирда сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент давлат юридик институтининг ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг етакчи ҳуқуқшунос олимлари иштирок этдилар. Бўлиб ўтган семинар-тренинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларини қонунчилик техникасининг усул ҳамда услубларига изчил ўргатиш бориш мақсадини кўзаловчи туркум тадбирларни бошлаб берди.

ЎЗА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚЎМИТАЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқроқ ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва давлат қўмиталари вакиллари қатнашди.

Мазкур қўмита раиси М.Тешабоев бошқарган йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва 2005 йилда қўллаётган ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ис-

лоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва 2005 йилда қўллаётган ижроси масаласи юзасидан қўмита томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида маъруза қилди.

Йиғилишда 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда тайёрлангани таъкидланди.

Давлат бюджети лойиҳаси мамлакатимиз иқтисодиётидаги ислохотларни амалга оширишнинг муҳим устувор вазифалари билан ҳамохан экани қайд этилди. У иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, юртимиздаги барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши қўтилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши ҳам Давлат бюджетига бағишланди. Уни мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

Қизги гакирик

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳар томонлама синов ва танловлардан ўтиб Ватан мудофаасига отланган йигитларни Миллий Армиямиз сафларига тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида бўлиб, жисмонан ва маънан чиққан, соғлом ва бақувват пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг бир гуруҳ ўғлонлари ўз йигитлик бурчларини ўташ, мустақил юрт тулпорини кўз қорачигидек асраш, Ватанга муносиб посдон бўлиш мақсадида чегара ва қоровул қўшинларида хизмат қилиш учун отландилар.

Тантанали маросимда сўз олган Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник З.Аҳмаджўаев она-юрт, тинчлик-осудалиқнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, буюк боболарига муносиб издош бўлиш лозимлиги ҳақида тўхталиб, хизматга отланган йигитларнинг ой бориб, омон келишларига тилак билдирди. Бир хил спорт кийимларини кийиб саф тортган бўлгуси аскарлар ота-оналари билан суҳбатлашиб, дил сўзларини қороғоз туйишди.

Биз бўлгуси аскарлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, дил сўзларини қороғоз туйишди. — Абдурашид оилада ёлғиз ўғил, учта опаси бор. — дейди кўз ёшларини беркилишга уринаётган Розия опа Равшанова. — Ўз хоҳиши билан хизматга отланди. Шартнома

бўйича хизматни давом эттириб, ўқийга қираман, келгусида генерал бўлишга ҳаракат қиламан, деб орзу қилади. Дадаси иккимиз унинг дуси жонини қилиб, юртимизга тинчликни тилаб ўтираман, энди.

— Мен ҳам чегара қўшинларини хизмат қилишни ёшлиқдан орзу қилардим, — дея суҳбатга қўшилди Сергели туманидан қаққирилган Бобур Отамирзаев. — Хизматга итим Альфа ҳам мен билан кетяпти. Барча синовлардан ўтиб, 6 ойлик машғулотларда кинолог хизмати бўйича тайёрланди. Худо хоҳласа бирга намунали хизмат қилиб қайтамиз.

— Миллий Армиямиз сафларининг мард, жасур, ўз юртини астойдил севувчи йигитлар билан тўлиши сарҳадларимиз тинчлиги, юрт тулпорининг ҳар бир қаричини кўз қорачигидек сақлашга хизмат қилади, — дейди Тошкент шаҳар сафарбарлик қаққириви ва бутлаш гуруҳи катта инспектори, капитан Омонгелди Отажонов. — Бугунги Ватан мудофаасига отланган йигитлар барча синов ва танловлардан аъло даражада ўтиб, чегара қўшинларида хизмат қилишга муносиб деб топилиган. Уларнинг чегараларимизни астойдил қўриқлашларига ишонамиз.

— Юртобимиз таъкидлаганларидек, бугунги аскар кенг тафаккурга эга бўлиши, ўз халқи, Ватани учун хизмат қилаётганлигини яқши билиши лозим, — дейди Че-

гара қўшинлари матбуот маркази бошлиғи, подполковник Холмурод Олпоначаров. — Муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаган чегарачи аскарларга «Чегара қўшинлари аълочиси» каби кўкрак нишонлари, шунингдек, намунали хулқ билан тенгдошларига ўрнатилган кўрпаб чегарачи аскарларга олий ўқув юртига кириш учун тавсияномалар берилди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу тавсияномага сазовор бўлган йигитларимизнинг 60 фоиздан кўпроги олий ўқув юртига талабалари сафидан жой олишган.

Чегарачи — Ватанимиз остонасида собит турган давлатимизнинг ишончли хомючиси ҳисобланади. Бундай масъулиятли ва шарафли вазифа юкланган йигитларимизнинг Ватанларини, ота-онасини, ёру биродарларини муносиб хомю қилиб, ёру юз билан қайтишларини тилаб қоламиз.



Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: кузатув маросимидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун ОНА ТИЛИМИЗ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Бундан ўн олти йил муқаддам Юртобимиз Ислам Каримов ташаббуси билан она тилимизга давлат тили мақоми берилди, «Давлат тили ҳақида»ги қонунини қабул қилиниши миллий ўзгичлигимизни янада тيرانроқ англаш, тилимиз мавқеини юксалтиришда муҳим омил бўлди. Ўтган вақт мобайнида мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Фанлар академияси вице-президенти, мазкур институт директори Тура МИРЗАЕВ бу ҳақда ЎЗА муҳбирига қуйдагиларни сўзлаб берди:

«Давлат тили ҳақида»ги қонун ўзбек тилининг барча соҳаларига, жумладан, тилшунослик, терминологияга ҳам янги нақша назардан ёндошиш имконини берди. Ўтган йиллар давомида ўзбек тилидаги атамалар ва байналмиал сўзларни қайта кўриб чиқишга жиддий эътибор қаратилди.

Терминларни тартибга солиш, уларнинг бир хиллигини таъминлаш, пайдо бўлаётган янги-янги тушунчаларга мос сўзлар танлаш муҳим аҳамиятга эга. Атамалар, терминларни ўзгартиришда ҳам муайян мейёрга, илмий асосларга таъйин иш олиб борилмаса, чалқашликлар рўй бериши мумкин. [Шу ўринда жамоамиз 2003 йилдан буён Фан ва технологиялар марказининг грантлари асосида фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича бир қанча ишларни амалга ошираётганини таъкидлаш лозим.

Хозирги кунда институтда олиб борилаётган ишлар, қўноқчи, ўрта ва олий таълим муассасалари учун ўзбек тили ва адабиёти бўйича дарсликлар яратиш, луғатлар тузиш, ўзбек адабиёти ва фольклорининг мукамал тарихини ўрганиш мазкур қонун ижроси юзасидан қилинаётган ишлар сирасига кирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга ошириш Давлат дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорига биноан «O'zbekim dasturlari» электрон нашрлар тақририяти билан ҳамкорликда «Ibora» электрон луғати яратилди. У ўзбек-рус-инглиз тилларидаги 120 мингта сўзни ўз ичига олган.

Дастур тизими ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, инглизча-русча, русча-ўзбекча, русча-инглизча каби олти та таржима йўналишида фойдаланиш имконини беради. Луғат ҳар томонлама қўлайлиги, тезкорлиги, оммавийлиги билан ажралиб туради. Унда ўзбек тилидаги сўзларнинг нафақат кирилл, балки лотин алифбосидаги муқобиллари ҳам ўрин олган.

Олимларимизнинг тўрт жиддий «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тузиш устидаги ишлари низоҳасида етди. Луғатнинг биринчи жиддий жорий йилнинг омиргача китобхоналар қўлига тегади.

Институтимизда ўзбек тилининг кирилл ва лотин ёзувидаги академик имло луғатини тузиш ишлари ҳам якунланмоқда. У ҳам келгуси йилда нашр учун тайёр бўлади.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЯНГИ НОМЛАР

Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика ҳамда шаҳар комиссияларининг айрим топонимик объектлар номларини тартибга келтириш юзасидан таклифларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан куйидаги маҳаллалар, кўча ва метро бекатлари, мактаблар номларига ўзгартиришлар киритилди, шунингдек, баъзи машҳур шахслар хотираси ёдгорлик лавҳаларида абадийлаштирилди:

Аввалги номи	Янги номи	Изоҳ
--------------	-----------	------

МАҲАЛЛАЛАР Бектемир тумани бўйича

Обод (Юнусобод, Сергели, Собир Раҳимов, Бектемир туманларида такрорланади)	Нурафшон	Жойдан ўтадиган асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Маърифат (Ҳамза туманида такрорланади)	Ҳусайн Бойқаро	Жойдан ўтадиган асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди

Миробод тумани бўйича

Қатортол (Чилонзор туманида такрорланади)	Янги Қўйлик	Жойдаги мавзе ва кўча номи билан уйғунлаштирилди
Мусо Тошмуҳаммад номи (шу туманда Ойбек номида маҳалла бор)	Афросиёб	Жойдан ўтадиган асосий кўча билан уйғунлаштирилди

Мирзо Улугбек тумани бўйича

Дўстлик (Миробод, Мирзо Улугбек, Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза, Чилонзор, Юнусобод туманларида такрорланади)	Сайрам	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Гулистон (Чилонзор, Ҳамза, Сергели туманларида такрорланади)	Қудуқбоши	Жойнинг тарихий ва мавжуд кўча номи билан уйғунлаштирилди
Амир Темур номи (Ҳамза, Сергели туманларида такрорланади)	Лашкарбеги	Жойдаги кўча номи билан уйғунлаштирилди
Олтинтепа-5 (туманда шу номда бошқа маҳалла бор)	Бўзариқ	Жойнинг тарихий ва мавжуд кўча номи билан уйғунлаштирилди
Ойбек (Миробод туманида такрорланади)	Катта Қорасув	Жойдаги мавзе номи билан уйғунлаштирилди
Ўзбекистон (Миробод, Шайхонтохур туманларида такрорланади)	Шалола	Жойдаги кўча номи билан уйғунлаштирилди
Фирдавсий номи (Юнусобод туманида такрорланади)	Нур	Жойдаги шу номи маскан билан уйғунлаштирилди
Ёшлик	Шахрисабз	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Туркистон (Юнусобод, Яккасарой туманларида такрорланади)	Катта Яланғочота	Маҳалла ҳудудидаги зиёратгоҳ номи билан уйғунлаштирилди
Мустақиллик (Миробод, Собир Раҳимов, Ҳамза, Сергели туманларида такрорланади)	Хоразм	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди

Йўлдош Охунбобоев номи (Собир Раҳимов, Миробод, Ҳамза туманларида такрорланади)	Алпомиш	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Файзиобод (Миробод туманида такрорланади)	Мунавварқори	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Навбахор (Собир Раҳимов, Чилонзор туманларида такрорланади)	Юзработ	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Бўз-8 (туманда шу номда бошқа маҳалла бор)	Олмачи	Жойнинг тарихий ва кўча номи билан уйғунлаштирилди

Учтепа тумани бўйича

А.Тожиёв номи	Нишабариқ	Жойнинг тарихий номи
Аброр Ҳидоятлов номи (шу номда театр ва Собир Раҳимов туманида кўча бор)	Дегрез	Жойда асосан шу номдаги қадимий маҳалладан кўчиб келганлар истиқомат қилаётгани инобатга олинди

Собир Раҳимов тумани бўйича

Мевазор (Чилонзор туманида такрорланади)	Хончорбоғ	Жойнинг тарихий номи
Охунбобоев номи (Шайхонтохур, Миробод, Мирзо Улугбек, Ҳамза туманларида такрорланади)	Тараққиёт	Жойнинг тарихий номи
Амир Темур (Ҳамза, Сергели, Мирзо Улугбек туманларида такрорланади)	Шифокорлар	Жойдаги шаҳарча номи билан уйғунлаштирилди
Чўлпон (Ҳамза туманида такрорланади)	Қичқирӣқ	Жойдан ўтадиган қадимий ариқ номи билан уйғунлаштирилди

Чилонзор тумани бўйича

Бўстон (Собир Раҳимов, Шайхонтохур туманларида такрорланади)	Бектўпи	Жойнинг тарихий номи
Маданият (Сергели туманида такрорланади)	Тирсақобод	Жойнинг тарихий ва мавжуд кўча номи
Усмон Юсупов (Ҳамза, Сергели туманларида такрорланади)	Карвонсарой	Жойдаги асосий кўча номи билан уйғунлаштирилди
Наврўз (Миробод, Мирзо Улугбек, Сергели, Ҳамза туманларида такрорланади)	Яккатут	Жойнинг тарихий номи

Оила давраида

Сўхбатлар

Қайра

ОЙДИН ХАЁЛЛАРИМ УШАДИ

Онажон! Мехрибоним, ёлғиз суянчим. Хозир шу қадар қалбим тошиб, дилми шодлиб кетаяптики, қувончининг чеки йўқ. Мен талабаман. Олий даргоҳ талабаси. Ўзим истагандек, сиз орзу қилгандек журналист бўламан Худо хоҳласа. Йўғламан онажон, қўзларингиз ёшланмасин.

Худойим,
ялиниб сўрайман сендан,
Юрагим тилиниб

сўрайман сендан.
Минг бирга бўлиниб сўрайман сендан,
Асрагин онамни, онажонимни.
Ёмғирим, онамнинг юзларини ўп,
Шамоллар, йзини айлангиз тавоб,
Ҳали менинг узилмаган қарзим жуда кўп,
Асранглар онамни, онажонимни.

Мехрибоним, сизнинг дуларингиз, дадажонимнинг, бобожоним ва бувижонимнинг пок рухлари қўллади мени. Холажонимнинг беғараз ёрдами, тоғажонларимнинг меҳрли сўзлари мадор бўлди менга. Онажон, мен талабалик остонасига қадам қўяр эканман, ўз-ўзимга сўз бердимки, ҳеч қачон юзингизни ерга қаратмайман. Шу онларга интиқ кутиб, ширин хотираларга берилиб талаба бўлишни орзу қилар эдим. Лекин ён-атрофимдаги тебратардик-да. Оддийгина яшасакда, орзуларимиз осмондек эди. Сизга ўхшаб ҳамшира бўлгим ҳам келарди-ю, лекин келажакда нималаргадир эришсан дердим.

Онажоним эсингизда мени бобом вафот этганларида "Қамола, энди нима қиламиз қизим,

суянчигимиздан айрилдик-ку", дегандингиз... Онажон, Худо хоҳласа энди ўзим сизга суянчиқ бўламан. Аъло ўқишга ҳаракат қиламан. Элу юртимга, халқимга муносиб фарзанд бўламан. Юксалишни ўйлаб, юксакликка кўз тикаман, изланиб, интилишдан тўхтамайман.

Ҳаёт сиз ўқисманг, ўқисманг онажон. Мени дуо қилинг. Мени табрикланг. Ҳаётда ўз ўрнимни, ўз йўлини ва бахтимни топиб масрур яшай, сизга қувончлар ҳада этай.

Дадажон, сизни эслолмайман, сиз вафот этганнингизда икки ёшда эканман. Мени жуда яхши кўраркансиз. Сўз бераман руҳингизни доимо шод айлаб яшайман. Мен талаба бўлдим. Олий даргоҳда таҳсил олаётман. Оддийгина қиз улкан чўққиларни забт этмоқчи. Менга омадлар тиланг. Эй она, табиат, эй она халқим сенга таъзим қиламан, сенга муносиб киз бўламан.

Қамола ҲАМДАМОВА

- Узоқ яшайман десанг, яхшилик қил, яна бир бор яхшилик қил.
- Ақлли одам ким, деб сўрашса, нафс жиловини ўз қўлида тутган одам деб жавоб қилардим.
- Агар яхши гап тополмасангиз, ёмон гап айтишдан ўзингизни тийганингиз афзал.
- Қанча кўп меҳрибонлик қилсангиз, шунча кўп меҳрибончилик қайтади.

ТАФАККУР КАМОЛОТИ

- Одамлар борки, уларни оддий одам дейишади, одамлар борки, уларни доно одам дейишади, одамлар борки, уларни буюк одам ёки улуғ инсон деб аташади. Уччала тоифадан бирига лойиқ одам бўл.
- Менга отилган тошларни қайтариб рақибимга отмадим, уларни йўғдим ва ҳар сафар ўша йўғилган тошлар устига чиқиб, у билан сўхбатлашардим. Менга отилган тошлар ярим йўлда қолиб кета бошлади. Энди рақибим тош отмайдиган бўлди. Бу мартабанинг меваси сабрдир.
- Лавозимга муносиб кишилар чўлни гулистонга, нолойиқ кимсалар эса гулистонни чўлга айлантиришади, деса ишонинг.
- Келинлик давридаги ташқи чирой йиллар ўтиши билан ички гўзалликка айлансагина бу оилани бахтли дейиш мумкин.
- Миллатларни айирма, улар олмасордаги олмалар мисол, бири қизил, бири қўқ аммо барининг ўз файзи, ўз қадри, ўз ўрни бор.
- Бошқаларнинг бахтини яратган олган инсон бахтли бўлади.

Тўлқин МУХИДДИН

Биласизми?

АСАЛ — ҲАЁТ ШАРБАТИ

Асал ҳақида Куръони каримда маълумотлар мавжуд. Шунингдек, тиббиёт илмининг буюк бобокалони ибн Сино, минг йил умр кўриб, ҳаётини умматларига бахшида этган Лукмони ҳақим ҳам асал билан инсонун беморларни, хатто жониворларни даволаганлар. Ҳақиқатан ҳам асал энг шифобахш неъмат бўлиб, минг дардга даво саналади.

Қиш, ёз чилласидаги қор, ёмғир сувини етти қават доқадан сузиб, сирланмаган сопол идишда сақлаб, бир пилёласига бир қошиқ асал солиб (тоза тоғ асалидан) наҳорда ва уйку олдидан 28 кун ичилса, 36 кил

дардга даводир.

Асал — ҳаёт шарбати, ширинликлар султони, узоқ умр гаровидир. У миқозни тозалайди, томир йўллари раво қилади, сасиқ кекирдақдан сақлайди, чўкур яраларни даволайди. Шунингдек, кўз хиралигини кеткази, ёш гўдақлардаги бўғмони, баданди ги безларни даволайди. Меъда (ошқорзон)ни кучли қилади, иштаҳани очади. Бундан ташқари қон таркибини меъёрлаб туради ва гемоглобин сармоғини оширади, юрак-қон томир тунсуни кўтаради, буйрак касалини даволайди. Жигар касалига жуда ҳам шифо.

Анвар АҲМЕДОВ

Бўш вақтингизда

СКАНВОРД

Тураман шери	Соч осовля	Независимый	Савдо тоқими	Африка оти	Истақ	Савёра	Доминья	Ҳинд дарёси	Телеграф буюви	Захаров модала	Рузгор бўлими
Ранглар маъдан	Туғи туғи	Тан олияш	Истақ	Савёра	Доминья	Ҳинд дарёси	Телеграф буюви	Захаров модала	Рузгор бўлими	Футбол атамас	Олий насаб
Харбий хизмат	Шо китой эдиби	Мото марка	Илоҳ ҳаёт	Тава льёз	Бончирин дастон	Катта эдияш	Ширинлик	Хамирли твом	Рус подшоши	Тўша мия ҳоз	Шамол
Арабча ҳарф	Мото марка	Илоҳ ҳаёт	Тава льёз	Бончирин дастон	Катта эдияш	Ширинлик	Хамирли твом	Рус подшоши	Тўша мия ҳоз	Шамол	...
Африка юрти	Оч суғи	Бончирин дастон	Катта эдияш	Ширинлик	Хамирли твом	Рус подшоши	Тўша мия ҳоз	Шамол
Бог ловчи	Шо китой эдиби	Мото марка	Илоҳ ҳаёт	Тава льёз	Бончирин дастон	Катта эдияш	Ширинлик	Хамирли твом	Рус подшоши	Тўша мия ҳоз	Шамол
Балбоғ турки	Бозор томи	Тоғ меваси	Тоғ гарпин

Фозилқон ОРИПОВ тузган

Газетанинг шу йил 13 октябрь сонида берилган КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- Энига:** 1.Мағриб. 3.Кавказ. 7.Маҳраж. 8.Рангун. 10.Ауқцион. 11.Марка. 15.Иқбол. 17.Маятник. 18.Дарвоза. 19.Қоқирим. 20.Оромгоҳ. 24.Даста. 26.Кирпи. 30.Фаришта. 31.Азамат. 32.Машшоқ. 33.Сарбоз. 34.Дандон.
- Бўйига:** 1. Маҳмур. 2.Ражаб. 4.Варна. 5.Зағреб. 6.Маҷеста. 7.Маймун. 9.Нейлон. 12.Кварцит. 13.Манзара. 14.Бинокор. 15.Қайроқчи. 20.Седана. 21.Америка. 22.Исирик. 25.Секанс. 27.«Равшан». 28.Офтоб. 29.Саман.

Шарқ дурдоналари

Оз-Оз Улганиб

Домо бўлув...

- Фақат оила гамини еб яшаш ҳайвоний очқўзликдир, бир киши учун яшаш тубанлик, фақат ўзи учун яшамоқлик эса шармандалиқдир.
- Оилавий ҳаёт узаро муҳаббат билан болганган бўлса, катта бахт келтириши мумкин.
- Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин.
- Ўз уйда бахтли бўлган кишигина бахтлидир.
- Яхши хотин билан яшаш — ҳаёт буронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса — қулбандга кўтарилган бурондай гап.
- Яхши хотин жон малҳами.

Ривоят:

Бир неча хотинга уйланган эзоқ бир ўлқанинг султони ҳамма аёлларидан бисёр фарзанд кўрибди. Лекин султоннинг ўртанча хотини Садоқат ўз эрига жуда садокатли экан. Шунинг учун султоннинг бу хотинга меҳри ўзгача эди. Уларнинг уч яшар ўғилчаси бўлиб, у ҳам ақлли, доноликда ўзгалардан ажралиб туракан. Султоннинг бошқа хотинлари эса фақат эрининг ўлимини кутишар, унинг мол-мулкни талон-тарож қилиш пайида яшарканлар. Нияти бузук хотинлар Садоқатни ва унинг ўғилчасини жуда ёмон кўриб, бир куни турли ҳийла ишлатиб, она-болани султонга ёмонлайвериб, охири ниятларига етишибди. Султон хотинларининг сўзига ишониб, Садоқатни ўғли билан кўчага ҳайдаб чиқарибди. Хотин билан ўғил Султондан шайқат сўрашибди. Лекин у ўз сўзидан қайтмабди. Охири она-бола йўғлай-йўғлай бу юртдан бош олиб чиқиб кетибди.

Кўвгин қилганлар қўшни подшоҳ юртига ўтишганида наварлар бу бегона аёл билан ўғлини ушлаб, подшоҳ хузурига келтиришибди. Подшоҳ уларни бандидан озод этиб, хонадонига хизматкор қилиб олибди. Садоқат подшоҳга ҳалол хизмат қилибди. Ниҳоят, Садоқатнинг донолиги, тadbиркорлигини кўрган подшоҳ унинг ўзини хотин, ўғлини эса ўзига фарзанд қилиб олибди. Бولا ўғай ота паноҳида тарбияланиб, воға етибди. Подшоҳ билан онаси оламдан ўтганидан кейин уларнинг қабрига чирок ёқибди. Эл-юрт пахлавон Баҳодирни отасининг ўрнига подшоҳ қилиб тахтга кўтарибди.

Султон эса қаригач, унинг хотинлари ва ноқобили ўғиллари мол-мулкни талон-тарож қилишиб, парокандага учраган юртдан султони қувгин қилишибди. Султон Баҳодир хотини Садоқат ва ўғли Баҳодирни излай-излай кўп юртлар кезибди. Бир куни наварлар бозорда дарбадар кезиб юрган султони банди этиб юрт подшоҳи Баҳодирнинг хузурига келтирибди. Подшоҳ султони авф этиб, уни бандидан озод қилиб, сарой атрофида қолдирибди. Подшоҳнинг марҳаматидан шодланган султон хар куни унинг хузурига кириб, умрига ва салтанатининг боқийлигига узундан-узук дуо қиларкан.

Бир куни султон Баҳодир хузурига кирганда унинг қулгоидаги кичик бир чандиққа кўзи тушибди, унга узоқ тикилибди. Подшоҳ билан сўхбатлашиб, унинг ўз ўғли Баҳодир эканлигига астойдил ишонибди. Кейин унга ётиги билан бутун воқеаларни рўйи рост айтиб берибди. Ниҳоят дард билан «Ўғлим», дея унга қучоқ очганда Баҳодир даргазаб бўлиб, наварларни қачириб султони бу юртдан чиқариб юборишларини буюрибди. Воқеадан хабардор бўлган вазиранлардан бири унга:

- Шаҳаншоҳим, наҳот ўз отангизни юртингиздан ҳайдаб чиқарсангиз? — деганида подшоҳ:
- Менинг отам улган, бу одамни танимайман. Агар бу менинг отам бўлганда онам билан мени ўз юртидан қувгин қилариди, — деб жавоб берибди.
- Қилмиш-қидирмиш. «Экканинг ни ўрасан», деганлари шу бўлса керак-да.

Давоми. Боши 3-бетда.

МЕТРО БЕКАТИ

Ёшлик	Миллий бог	Жойдаги истироҳат боғи номи билан уйғунлаштирилди
-------	------------	---

КЎЧАЛАР

Ҳамза тумани бўйича

Мирзамаҳмуд	Паҳлавон	Паҳлавон Маҳмуд - 1247-1326
Мусахонов	Маҳмуд	йилларда яшаб ўтган, улуғ шоир ва мутафаккир ҳамда ўз даврида машҳур полвон бўлган
(кўчанинг маълум қисми Мирзо Улуғбек тумани ҳудудига қарайди)		

Мирзо Улуғбек тумани бўйича

Қодиров	Феруза	Жойнинг тарихий номи. Шу жойдаги мавзе номи билан уйғунлаштирилди
«Баҳор» маҳалласидаги янги берк кўча	Шукур Бурхонов 1-берк кўчаси	Жойдан ўтадиган асосий кўча билан уйғунлаштирилди
Қаюм Муртазов (кўчанинг бир қисми Юнусобод тумани ҳудудига жойлашган)	Осиё	Кўча йўналишидаги спорт мажмуаси номи билан уйғунлаштирилди
Мирзамаҳмуд	Паҳлавон	Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326)
Мусахонов	Маҳмуд	— улуғ шоир ва мутафаккир ҳамда ўз даврида машҳур полвон бўлган

Учтепа тумани бўйича

Холиқ Ғофуров	Истироҳат	Жойнинг тарихий номи
Холиқ Ғофуров 1-тор кўчаси	Истироҳат 1-тор кўчаси	Туташ кўча номи билан уйғунлаштирилди
Холиқ Ғофуров 2-тор кўчаси	Истироҳат 2-тор кўчаси	* — * — *
Холиқ Ғофуров 3-тор кўчаси	Истироҳат 3-тор кўчаси	* — * — *
Холиқ Ғофуров 4-тор кўчаси	Истироҳат 4-тор кўчаси	* — * — *

Яккасарой тумани бўйича

Космонавтар	Афросиёб	Шу номдаги кўчанинг бош қисми бўлганлиги инобатта олинди
-------------	----------	--

Собир Раҳимов тумани бўйича

Абдулла Набисв	Каттатут	Қадимда шу жойда салкам минг йиллик тут дарахти бўлган
Бобожонов	Тешиққоңқа	Жойнинг тарихий номи

Юнусобод тумани бўйича

Қаюм Муртазов (кўчанинг бир қисми Мирзо Улуғбек тумани ҳудудига жойлашган)	Осиё	Кўча йўналишидаги спорт мажмуаси номи билан уйғунлаштирилди
Жаҳон Обидова	Боғишамол	Амир Темури томонидан яратилган боғлардан бирининг номи ҳамда кўча йўналишида Ботаника боғи жойлашгани инобатта олинди
Мирзааҳмедов	Қулоқтепа	Кўча йўналишидаги тарихий жой номи билан уйғунлаштирилди

Учтепа туманидаги 4, 14, 61, 106, 109, 123, 197, 199, 245, 251, 283, 287-мактаблар, Мирзо Улуғбек туманидаги 105, 112, 148, 207, 248, 256-мактаблар, Юнусобод туманидаги 12, 21, 70, 86, 96, 98, 235, 240, 250, 253, 265, 272, 273, 274, 288, 313-мактаблар, Миробод туманидаги 213-мактаб, Яккасарой туманидаги 26, 73, 100, 160, 176-мактаблар, Собир Раҳимов туманидаги 1, 46, 133, 159, 165, 185-мактаблар фақат сонлар кўринишида аталиши белгилаб қўйилди.

Тошкент шаҳридаги Юнусобод тумани, Қодир Маҳсумов кўчаси, 42-уйда 1897-1970 йилларда яшаб ўтган машҳур математик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Кори-Ниёзий хотирасига, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 8/1-уй, 15-устахонада 1925-2004 йилларда яшаб ўтган Ўзбекистон халқ рассоми, хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, академик Қутлуғ Башаров хотирасига ёдгорлик лавҳалари ўрнатилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланган банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик кимшоиди савдоси ўтказилади.

2005 йил 2 ноябрь кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимшоиди савдоси ўтказилади:

1. «Газ-5312 КО5036» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 711, бошланғич нархи 304 255 сўм, техник носоз-Миробод-226/4;

2. «Газ-53 РВМ3» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АИ 468, бошланғич нархи 365 000 сўм, техник носоз-Миробод-№225/4;

3. «Газ-5312» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 784, бошланғич нархи 308 000 сўм, техник носоз-Миробод-223/4;

4. «ИЖ-271501-11» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 791, бошланғич нархи 214 000 сўм, техник носоз-Миробод-№224/4;

5. «Зил-ММ3-4502» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 631, бошланғич нархи 298 000 сўм, техник носоз-Сергели-234/4;

6. «ИЖ-21251» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Г 92-90, бошланғич нархи 181 000 сўм, техник носоз-Учтепа-230/4;

7. «Газ-53» автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 952, бошланғич нархи 1 203 982 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;

8. «Газ-53А» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 947, бошланғич нархи 677 530 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;

9. «Газ-66» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 949, бошланғич нархи 1 613 385 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;

10. «Газ-53А» автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 951, бошланғич нархи 320 317 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;

11. «Газ-5228» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 638, бошланғич нархи 1 242 903 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4;

12. «Газ-5312» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 823, бошланғич нархи 2 154 493 сўм, техник носоз-Учтепа-228/4.

Кимшоиди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қavat.

Маълумот учун телефонлар:
144-54-08, 41-16-38.



Хурматли ишбилармон ва
тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига
таклиф этади

**БИРЖА САВДОЛАРИГА КУЙДАГИ
ДАВЛАТ ОБЪЕКТИ КЎЙИЛАДИ:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган «O'ZMATBAA-TA'MINOT» Республика корхонасининг 74 фоизлик давлат активи.

Бошланғич нархи — 269 086 488 сўм:

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; Эл. почта: Birja@mail.tps.uz
va info@tshmbm.uz

Спорт

МАХСУС СОВГА БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Аввал хабар берилганидек, Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида курраи заминнинг энг кучли саккей халқаро грессмейстери иштирокида ўтказилган жаҳон чемпионати баҳслари якунланди.

Қатнашчилар бир-бирлари билан икки мартадан рўбарў келиб, дона суришди. Яъни чемпионат баҳслари ўн тўрт турдан иборат бўлди. Сўнгги турда барча учрашувлар дуранг натижалари билан якунланган бўлса-да, фақат Петер Лекко (Венгрия) ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновни мағлуб этишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, 14 имкониятдан ўн очко жамғарган болгариялик грессмейстер Веселин Топалов жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Хиндистонлик Вишванатан Ананд ҳамда россиялик Пётр Свидлер бир хил —8,5 тадан очко жамғаришди. Бироқ кўшимча коэффициентлар ҳисобига кўра Ананд иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Жаҳон чемпионатининг тантанали ёпилиш маросимида янги жаҳон чемпиони Веселин Топаловга шахмат тожи ҳамда ғолиб учун белгиланган мукофот — 300 минг АКШ доллари топширилди.

Бу гал Рустам Қосимжоновга олтинчи ўрин nasib этди. Шундай бўлса-да Рустам Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ президенти томонидан махсус совга билан тақдирланди.

ҚИЗЛАР КОРТГА ЧИҚИШДИ

Шаҳримиздаги «Пактакор» теннис кортида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган аънъанавий «Шарк юлдузи» теннис турнири бошланди.

Турнирда 1990-1994 йилларда туғилган қизлар баҳс юритмоқда. Ғолиблик учун беллашаётган қизлар Самарқанд, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларидан келишган бўлиб, мусобақаларда айниқса пойтахтлик ёш теннис усталарининг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Муҳим томони шундаки, қатнашчиларга мусобақада эгаллаган ўринларига қараб, мамлакат миқёсида қайд этиладиган рейтинг очколари берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан Бутаев Аскар Шопўлатович номига берилган талабалик гувоҳномаи йўқолди. Ушбу гувоҳномани топган кишилардан 335-12-52 телефон рақамига хабар беришини сўраймиз. Суюнчиси бор.

Стол тенниси

ЎСМИРЛАР КУЧ СИНАШМОҚДА

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш мақсадида мутасадди идоралар қаторида жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Чунончи, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан кейинги пайтда стол тенниси, бадий гимнастика, кураш, спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам турли мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, КЕЧА пойтахтимиздаги «Умид» спорт мажмуасида тантанали равишда старт берилган стол тенниси бўйича иккинчи республика мусобақалари ҳам мазкур жамғарма, шунингдек Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Шуни айтиш керакки, юртимизда стол тенниси бўйича илк мусобақалар 1957 йилда ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда бу соҳа спортчиларимиз мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда ҳам муваффақиятли химоя қилиб келмоқдалар. Бундан ташқари, стол тенниси оммавий тус олган ва ҳозирда 12 минг нафардан зиёд йшларимиз бу спортга ихлос қўйган. Уларнинг кўпчилиги республика доирасидаги ва халқаро турнирларда иштирок этмоқда. Терма жамоа сафларида ўзбекистонлик стол теннисчилари Италия, Германия, Франция, Хитой, Украина, Россия каби давлатларда ўтказилган мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритишган. Теннисчиларимиз орасида Осиё чемпионлари этишиб чиққани эътиборга лойиқдир. Саида Бурхонқўжаева ва Манзура Иноятова эса халқаро майдонда ҳам доврўф таратишган. Афинада ўтказилган Олимпиада уйинларида М. Иноятова мамлакатимиз шарафини химоя қилган бўлса, жорий йилда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган турнирда қатнашган терма жамоамиз ҳам фахрли ўринни эгаллади.



— Стол тенниси билан беш йилдан бери шугулланаман, — дейди мусобақа иштирокчиси, 110-мактаб ўқувчиси Евгений Грудский. — Республика мусобақасида биринчи мартаба қатнашим. Бу ерда тенгдошларимнинг имкониятларини кузатиб, кўп сабақ олдим, шуни ҳам тушуниб етдимки, стол тенниси мен учун шунчаки хавас эмас, балки орзу-умидим бўлиб



қолади, яъни мен бу спорт билан астойдил, профессионал равишда шугулланишни мақсад қилдим.

— Андижон вилоятидан келдим, — деб сўз бошлади ана бир спортчимиз Гулнора Акбарова. — Турнирнинг яқинда Фарғона вилоятида бўлиб ўтган босқичида иккинчи, Хоразмда эса — биринчи ўринларни эгалладим. Бугунги мусобақалардан ҳам умидим катта...

Иккинчи мартаба ўтказилаётган «Соғлом авлод учун» жамғармаси кубоги учун стол тенниси бўйича мусобақанинг якуний босқичида 1992-1993 йилларда туғилган 56 нафар ўғил-қизларимиз қатнашмоқда. Турнир ғолиблари 22 октябрь кuni аниқланади.

Шахло ҲОШИМОВА.
СУРАТЛАРДА: турнирнинг очилиши ва дастлабки баҳслардан лавжалар.
Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар

Мунажжам башорати

КАМТАР ВА ЖИДДИЙ БЎЛИНГ

21 ОКТАБРЬ, ЖУМА

Бугун мунажжам С.Ильичёв таъбирдан бошлаймиз. Сув кундузига хос камтарлик, оқилу донолик, жиддийлик, ишда собитқадамлик фазилатларини намойиш этиш керак бўлади. Аёллар бугун алоҳида роль ўйнашади, бугун — «Аёллар кунин». Эркаклар уларнинг галларига қулоқ тутишлари лозим бўлади. Аёллар билан жанжаллашувчи, уларни ҳақоратловчи эрлар Аллоҳга ёқмайди.

Хар ойнинг 18-кунда бўлганидек бу гал ҳам атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатлари хар биримизнинг хулқ-атворимиздаги муҳим хислатни кўрсатиб беради. Хамиша бошқаларга астойдил ёрдам бериб келган кишиларга истиқболларида учраган

хар бир кимса улар хизматини бажаришга тайёр туради. Лекин муҳтожларга ёрдам қўлини чўзмай келганлар эса, ҳатто ўзларининг энг яқин кишилардан ҳам мадад ололмайдилар.

Соат, безаклар, турғамаларни йўқотиш бизлар нохушликларга

ишора. Қўқисдан ўчиб қолган чироқ ёки олов — хасталик ва нохушликлардан огоҳлантиришдир. Тасодифан устингизга сув тўкилиши ёки қўлмак жойга йиқилишингиз — ярашиш ва эски дўстларнинг қайтишига ишора.

Бу кеча қўрилган тушлар башоратли бўлади. Кўпгина эски касалликлар бугун ўзини эслатади, ғалати оғриқлар пайдо бўлиши мумкин. Бугунги кун рўза тутиш ёки бир кунлик овқатдан воз кечиш учун қулай бўлади.

Кийимлардан зарғалдоқранг ва қумушранг либослар бугунги кунга ярашлиқ бўлса, оч яшил рангдан узокроқ бўлганингиз баъқул.

БУГУН:

— имконият бўлса, уйда қолиб, ҳеч қайқа борманг; — компьютер ва бошқа замонавий техника асосида иш олаб бординг;

— ўзингизни аяб ишланг, вақти-вақти билан дам олиш, чой ичиш ва ухлаш, ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шугулланишни унутманг;

— бугунги кунни тўлалигича ўқийша бағишланг.

Интеллектуал меҳнатга бугунлай берилиб кетишдан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва бошқа расмий шахслар билан учрашишдан, молиявий ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал этишдан бугунча тийилиб туришингизни маслаҳат берамиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Оқшомин
Вечерини Ташкент
Сиз билан ҳафтага беш кун бирга!
Ҳеч қандай муаммоларсиз турли-туман ахборотлар, маълумотлар, телевидение дастури, кроссворд, сканвордлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

2005 йил 27 августдан бошлаб
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
«ШАРК МАШЪАЛЛАРИ»
Катта халқаро байрам дастури
Дастурдан:
ўргатилган кучқучалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бугма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.
ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!
Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.
Чиптаалар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

ЯНГИЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ
Бундан ролпа-росса 80 йил аввал Тошкент ҳайвонот боғига асос солинган эди. Ўрта Осиё Давлат университети биолог олимлари ташаббуси билан шаҳар четигадаги ҳайвонот боғидаги халқаро худуд алоҳида ҳайвонот боғига айлантирилди.
Йиллар ўтиши билан унда сақланаётган ҳайвонот дунёси турлари сони орта борди. У кўпчилик учун томошагоҳ манзили бўлиб қолди.
Давр талаблари боғни янада замонавийлаштиришни тақозо этди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника боғи худудида янги томоша мажмуаси бунёд этилди.
Мустақил Давлатлар Хамдўстлигидаги энг яхши ҳайвонот боғи ҳисобланган бу маскан эндиликда болажонларнинг сеvimли томошахонасига айланди. Ер юзининг турли худудларида яшайдиган ҳайвонларнинг бир неча намунаси республикамизга олиб келинди. Бу ерда «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонот оламининг ноёб турлари ҳам боқилиб «жонли» экспонатларга айлантирилди.
Анвар АББОСОВ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Муассас: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-29-09.
Хажми — 2 босма таъриф оғрети усулида босилади.
2496 нускада босилади. Қроғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларда почта бўғимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.